БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ
РЫНОК, ДЕНЬГИ И КРЕДИТ

6 / 2022

БПК

ОЙЛИК ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ЖУРНАЛ
ЕЖЕМЕСЯЧНЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ИНИЦИАТИВНОГО БЮДЖЕТИРОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН – Стр. 4

ЎЗБЕКИСТОНДА КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ – 18-бет

СОЛИҚ ПОТЕНЦИАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ – 40-бет

ISSN 2010-6580

TRASTBANK
ISHONCH BILAN YUZMA-YUZ

Sizga zudlik bilan pul kerak bo‘lib qoldimi?

«Trastbank»dan mikroqarz oling:
- Muddati – 2 yil
- Miqdori – 50 000 000 so‘mgacha
- Yillik foiz stavkasi – 26 foiz



«TrustPay» mobil ilovasi orqali 10 000 000 so‘mgacha onlayn mikroqarz rasmiylashtirish imkoniyati ham mavjud.

CALL CENTER: 1287
www.trustbank.uz

https://t.me/trustbankuz www.facebook.com/trustbank.uz www.instagram.com/trustbank_uz

Xizmatlar litsenziyalangan

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ



Инициативное бюджетирование

4 ***С. Воронин, Ж. Авлиякулова, Р. Амонов*** *Особенности развития инициативного бюджетирования в Республике Узбекистан*

Молия бозори

18 ***С. Сайидалиев*** *Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш йўналишлари*

Тадбиркорлик

28 ***К. Уразов, Б. Боронов*** *Кунгабоқар ёғи ишлаб чиқариш жараёнлари технологиясининг ўзига хос хусусиятлари*

Солиқ маъмуриятчилиги

36 ***А. Сайфитдинов*** *Адвокатлик фаолиятини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари*

40 ***А. Мусагалиев*** *Солиқ потенциалини шакллантиришда илмий ёндашувлар таҳлили*

Бухгалтерия ва аудит

50 ***Ж. Абдурасулов*** *Корхоналарни қайта ташкил этишда*





молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказиш

58 ***А. Тўраев, С. Хашимова*** *Ўзбекистонда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида қўллашнинг асосий жиҳатлари*

Ислом молияси

62 *AAOIFI ташкилоти тўғрисида*

71 *Турли компания ёки сайтларга инвестиция киритиш*

БПК

БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ

Ойлик илмий-амалий иқтисодий журнал

1996 йил сентябрдан нашр этилмоқда

6/2022

Июнь (301)

ТАҲРИРИЯТ

Директор:
Г.Н. БЕЗГИН

Бош муҳаррир:
В.С. УМИРОВ

Масъул котиб:
Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати:
Тел.: (+998)71-234-91-13;
(+998)99-837-11-04

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,
Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўч., 1А-уй.
http://www.bpk.uz/
e-mail: info@bpk.uz

Журналнинг обуна индекси: 853
ISSN 2010-6580

Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлигида 2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.
Гувоҳнома рақами: 0058

Теришга берилди: 01.08.2022 й.
Босишга рухсат этилди: 31.08.2022 й.

Бичими: 60x90/8.
Офсет босма усулида чоп этилди.
Шартли босма табоғи: 9.0.
Буюртма №27. А.: 600.
«PRINT-MAKON» МЧЖда чоп этилди
(Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даҳа, 17-уй).

Баҳоси шартнома асосида.

Материаллар кўчириб босилаётганда журналдан олингани кўрсатилиши шарт.
Юборилган қўлёзмаларни тақриз қилиш ва қайтариб юборишни таҳририят ўз зиммасига олмайди.
Журналда В.Л. Заводовнинг муаллифлик фотосуратларидан фойдаланилди.

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналида мақолангизни чоп этмоқчи бўлсангиз, уни фақатгина электрон кўринишда қуйидаги манзилга юборинг: **info@bpk.uz.**

Таҳририят томонидан қабул қилинадиган мақолаларга талаблар билан журналимизнинг www.bpk.uz сайти орқали танишишингиз мумкин.

Эслатма: муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий даражаси, иш жойи ва боғланиш телефонларини аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги аннотациясини юборишлари шарт.

CONTENTS

June №6 (301), 2022

Initiative Budgeting

4 ***S. Voronin, J. Avliyakulova, R. Amonov***
Peculiarities of the Development of Initiative Budgeting in the Republic of Uzbekistan

The article is devoted to the topic that the functioning of the "Open Budget" is the implementation of a set of measures aimed at increasing the openness and transparency of public and regional expenditures. In international practice, this method is called "Participatory Budgeting" and is considered an important element in the development of the democratic process.

Financial Market

18 ***S. Sayidaliev***
Directions of Development of the Capital Market in Uzbekistan

The International Monetary Fund estimates that the volume of world financial assets has increased more than 15 times from 1980 to the present day. The volume of financial markets grew rapidly compared to the values of gross domestic product and provided an opportunity for economic entities to achieve capital and effectively distribute risks. Unfortunately, today the coronavirus pandemic, which has become widespread around the world, and the global economic crisis caused by it, has once again begun to test the architecture of the entire world economy, including the financial markets.

Entrepreneurship

28 ***K. Urazov, B. Boronov***
Distinctive Features of the Technology of Sunflower Oil Production Processes

The specifics of the production of oil and oil products, the documentation of technological and economic processes carried out at oil and oil production enterprises, their reflection in the calculation and report, have their effect on the formation of the output of the finished product and its cost. It is these factors that necessitate specific approaches to accounting for the processes of production of oil and oil products.

Tax Administration

36 ***A. Sayfitdinov***
Features of Taxation of Lawyer's Activities

Under a number of amendments to the Tax Code of the Republic of Uzbekistan, notifications calling for special registration as a VAT payer have become an urgent problem of the present day, with the emphasis on the entry of lawyer structures into value added tax payers as a non-profit organization since January 1, 2022.

40 ***A. Musagaliev***
Analysis of Scientific Approaches to the Formation of Tax Potential

According to the author of the article, the main function of tax policy should be considered not only the expansion of the revenue part of the state budget, but also the understanding of the financial mechanism for stimulating and regulating production and the provision of social guarantees. This is what the article will talk about.

Accounting and Auditing

50 ***J. Abdurasulov***
Audit of Financial Statements in the Reorganization of Enterprises

The article is devoted to the issues of providing foreign investors with the necessary information environment by accelerating the transition to International Financial Reporting Standards (IFRS), increasing the investment attractiveness of our country and entering international financial markets, expanding its capabilities in the world trade market, as well as improving the system of training specialists in the fields of accounting and auditing by international standards.

58 ***A. Turaev, S. Khashimova***
The Main Aspects of the Application of Financial Statements in Uzbekistan Based on International Standards

Digitization of the economy provides an opportunity to increase the transparency of financial statements, ensure the trust of investors, and equally draw up financial statements in companies operating in countries other than our republic. Therefore, according to the special decree of the President of the Republic of Uzbekistan, large taxpayer organizations have an obligation to keep financial statements in parallel on the basis of international standards.

Islamic Finance

62 *About AAOIFI Organization*
This article is about the activities of AAOIFI (Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions), located in Manama, the capital of the Kingdom of Bahrain, which is an independent international organization engaged in the development of Sharia standards (rules) for Islamic financial institutions and other participants in the field, their promotion, the training of specialists, their examination and professional development within the framework of this field.

71 *Investing in Different Companies or Sites*

Many are now asking different questions about investing through different platforms and earning halal income. Today, various platforms, sites and firms offer investment opportunities. This is especially common in foreign countries. Author discusses the issues on this topic.

КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШ



Жаҳоннинг ривожланган давлатлари амалиётида кўп йиллардан буён қўлланиб келинаётган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш, мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва халқаро молия бозорларига кириш, жаҳон савдо бозорида ўз имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сонли қарори айни муддао бўлди. Ушбу қарор бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасини тубдан такомиллаштиришда, хорижий тажрибалар асосида корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларини ҳисоботда акс эттириш тартибини белгилаш ва уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда алоҳида ўрин эгаллайди[1].

[1] *URL: https://lex.uz/docs/4746047.*

1-чизма

Амалда бўлган *А* корхона фаолияти буткул тугатилиб, унинг ўрнига мустақил бўлган *Б, В, Г* корхоналари пайдо бўлади



Манба: *тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.*

Бўлиш – бу корхона фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги тузилаётган корхоналарга беришдир. Қайта ташкил этишнинг ушбу шакли кўргазмали тарзда 1-чизмада ифодаланган.

Қайта ташкил этишнинг ушбу шаклида дастлаб тугатилаётган корхонада уни тугатиш жараёнини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш лозим бўлади. Шундан сўнг ваколатли орган ёки мулкдорлар қарорлари асосида белгиланган тартибга кўра тугатилган корхонанинг тақсимлаш балансини тузиш, яъни барча узоқ ва қисқа муддатли активлар, устав капитали, маблағларнинг ташкил топиши, ўз манбаларининг бошқа турлари (қўшилган ва захира капитали, тақсимланмаган фойдаси ва бошқалар), узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларни янги ташкил қилинган корхоналар ўртасида бўлиш ҳисоб-китоблари талаб қилинади. Айнан ушбу ҳисоб-китоблар янги корхоналарда уларга тегишли бўлган мулк ва мулкнинг ташкил топиш манбаларини уларнинг дастлабки балансига киритиш ва мос равишда уларни ҳисобга олишга асос бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда корхоналарни қайта ташкил қилиш, яъни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш амалдаги 23-сон БҲМС (қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш)га асосан амалга оширилиб келинаётган жараёнлар ҳақидаги ахборотни молиявий ҳисоботда ёритиш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча хўжалик юритувчи корхоналарга нисбатан татбиқ қилиниб келинмоқда[2]. Ушбу миллий стандартга мувофиқ, корхоналарни қайта ташкил этишда топширилувчи (қабул қилинувчи) активлар ва мажбуриятларни баҳолаш таъсисчиларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (шартнома)да белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳар бир тури учун активларнинг бошқа турлари учун қўлланиладиган баҳолаш усулларидан фарқли алоҳида баҳолаш усули белгиланиши мумкин. Лекин стандартда таркибий қисмлари тўлиқ ёритилиши лозим бўлган, халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлайдиган бир қанча элементлар таркибий тузилиш жиҳатидан 22-сон БҲХС «Корхоналарни бирлаштириш»дан фарқ қилади.

Ушбу стандартнинг мақсади ҳам корхоналарнинг бирлашиши жараёнларини БҲХС каби ҳисобда акс эттириш тартибини белгилаш ҳисобланади. 22-сон БҲХСда компаниянинг бирлашиши харид ёки ҳиссаларини бирлаштириш, деб таснифланган. Ушбу стандарт бир корхона томонидан бошқасининг сотиб оли-



Жамшидбек Абдурасулов,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

[2] *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 27 июнда 1484-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2005 йил 12 апрелдаги 37-сон буйруғи билан тасдиқланган 23-СОНЛИ БҲМС.*

ниши ва харидор аниқланмаган ҳолларда манфаатларни бирлаштириш жараёнларини қамраб олади. Корхонани бирлаштириш деганда бошқа корхонанинг акцияси харидигина эмас, балки тадбиркорлик репутацияси билан бирга корхонанинг соф активлари хариди ҳам тушунилади.

Корхонанинг бирлашишида уларнинг ҳуқуқий қўшилишини ҳам кўзда тутиш мумкин. Бунда:

(а) битта компаниянинг актив ва мажбуриятлари бошқа компанияга ўтади, биринчи компания эса тугатилади; ёки

(б) иккала компаниянинг актив ва мажбуриятлари янги компанияга ўтади, олдинги компаниялар эса тугатилади.

Ҳолбуки, кўпчилик ҳуқуқий қўшилишлар корхоналар гуруҳини реструктуризация ёки қайта ташкил қилишнинг қисми сифатида юзага келади. Бундай қўшилишларга нисбатан 22-БҲХС жорий қилинмайди, чунки бу умумий назорат остидаги корхоналар ўртасидаги операция ҳисобланади. Бироқ иккита корхона битта ва айни гуруҳнинг аъзолари бўлиб қолиши натижасида бизнеснинг ҳар қандай бирлашиши йиғма молиявий ҳисоботда 22-сон БҲХС талабларига мувофиқ харид ёки манфаатларнинг бирлашиши сифатида қаралади. Ушбу стандартга кўра, халқаро ҳисобда корхоналарнинг бирлашиши, харид, манфаатларни бирлаштириш, назорат, бош (она) компания, шўъба компания, озчилик ҳиссаси каби янги тушунчалар мавжуд.

Корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнини ҳисобга олишда харид моҳият жиҳатидан манфаатларни бирлаштиришдан фарқ қилади, қайсики унинг мазмуни молиявий ҳисоботда акс эттирилиши лозим. Шунга мувофиқ равишда

КЎПЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ ҚЎШИЛИШЛАР КОРХОНАЛАР ГУРУҲИНИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯ ЁКИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ҚИСМИ СИФАТИДА ЮЗАГА КЕЛАДИ. БУНДАЙ ҚЎШИЛИШЛАРГА НИСБАТАН 22-БҲХС ЖОРИЙ ҚИЛИНМАЙДИ, ЧУНКИ БУ УМУМИЙ НАЗОРАТ ОСТИДАГИ КОРХОНАЛАР ЎРТАСИДАГИ ОПЕРАЦИЯ ҲИСОБЛАНАДИ. БИРОҚ ИККИТА КОРХОНА БИТТА ВА АЙНИ ГУРУҲНИНГ АЪЗОЛАРИ БЎЛИБ ҚОЛИШИ НАТИЖАСИДА БИЗНЕСНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ БИРЛАШИШИ ЙИҒМА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДА 22-СОН БҲХС ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ ХАРИД ЁКИ МАНФААТЛАРНИНГ БИРЛАШИШИ СИФАТИДА ҚАРАЛАДИ. УШБУ СТАНДАРТГА КЎРА, ХАЛҚАРО ҲИСОБДА КОРХОНАЛАРНИНГ БИРЛАШИШИ, ХАРИД, МАНФААТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ, НАЗОРАТ, БОШ (ОНА) КОМПАНИЯ, ШЎЪБА КОМПАНИЯ, ОЗЧИЛИК ҲИССАСИ КАБИ ЯНГИ ТУШУНЧАЛАР МАВЖУД.





КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИ ҲИСОБГА ОЛИШДА ХАРИД МОҲИЯТ ЖИҲАТИДАН МАНФААТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШДАН ФАРҚ ҚИЛАДИ, ҚАЙСИКИ УНИНГ МАЗМУНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДА АКС ЭТТИРИЛИШИ ЛОЗИМ. ШУНГА МУВОФИҚ РАВИШДА УШБУ ҲАР БИР ТУР УЧУН ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ ТУРЛИ МЕТОДЛАРИ ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПАДИ.

ушбу ҳар бир тур учун ҳисобга олишнинг турли методлари ўз ифодасини топади.

Стандартда харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва мажбуриятларнинг турлари бўйича уларнинг адолатли қийматини аниқлаш мезонлари келтирилган. Масалан, қимматли қоғозлар жорий бозор қийматида, дебиторлик қарзлари олиниши мумкин бўлган жорий баҳоларда, тайёр маҳсулотлар сотиш баҳосидан қуйидагиларни чегириб ташлагандан кейинги суммасида баҳоланади:

(а) чиқишига доир бўлган харажатлар;

(б) компания харидорнинг худди шундай тайёр маҳсулотни сотишдан олинадиган фойдани олиш учун сарфланадиган хатти-ҳаракатлардан кутиладиган фойдадаги ҳиссаси. Машина ва асбоб-ускуналарни баҳолаш ёрдамида аниқланган бозор қийматида адолатли қиймат аниқланиши кўзда тутилган. Тўланадиган счётлар ва векселлар, узоқ муддатли қарзлар, мажбуриятлар ва ҳисоблашлар ҳамда тўланиши лозим бўлган бошқа счётлар тегишли жорий фоиз ставкалари асосида дисконтланган қийматида акс эттирилади. Салбий гудвилл ҳам вужудга келиши мумкин. Салбий гудвилл ҳисобот бераётган компаниянинг активларидан чиқариб ташланган ҳолда акс эттирилиб, бухгалтерия балансида ўша умумэътироф этилган таснифда қайд қилинади.

БҲМСда эса корхоналарни қайта ташкил этишда топшириладиган активлар қуйидаги қийматлар бўйича баҳоланиши мумкин:

а) хариднинг ҳақиқий таннархи бўйича;

б) дастлабки қиймати бўйича;

в) қолдиқ қиймати бўйича;

г) тикланиш қиймати бўйича;

д) номинал қиймати бўйича;

е) ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий тўла таннархи бўйича;

ж) бевосита харажатларга кўра ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий таннархи бўйича;

з) режали, меъёрий таннархи бўйича;

и) бозор баҳоси бўйича.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнлари ҳисобининг бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқли-

ги таъминланиши дунё тан олган баҳолаш мезонлари асосида инвестицион жозибадорликни оширган ҳолда фойдаланувчига аниқ ва лўнда ахборотни, яъни корхоналарнинг бирлашиши, хариди ёки бўлмаса манфаатлар тўқнашуви каби жараёнларни осон тарзда тушуниб олиш, тақдим этилган ахборот орқали синтез қилиб, корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот олиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, МҲХСнинг бошқа жиҳатларини миллий бухгалтерия ҳисоби ва аудитга татбиқ қилишга ундайди.

Ажратиб чиқариш – бу корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир қисмини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтиришдир. Қайта ташкил этишнинг ушбу шакли кўргазмали тарзда 2-чизмада ифодаланган.

2-чизма

Амалда бўлган *А* корхона таркибидан янги *Б* корхона ажратилади, натижада иккита мустақил – *А* ва *Б* корхоналари пайдо бўлади



Манба: *тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.*

Қўшиб олишнинг ушбу шаклида, кўриниб турибдики, амалдаги корхона фаолияти тугатилмайди ва тўхтатилмайди. Фақатгина ваколатли орган ёки мулкдорлар қарорига асосан унинг таркибидан янги мустақил корхонани ажратиш ва унга тегишли мол-мулкни, мажбуриятларни ва хусусий капиталнинг бир қисмини бериш амалга оширилади. Демак, ушбу шароитда ҳам ажратилаётган корхонада, ҳам ажратилган корхонада активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал элементларини ҳисобга киритиш ва ҳисоботда акс эттириш зарурати вужудга келади.

Мамлакатлар миллий иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашда ҳисоб ва ҳисоботларни халқаро миқёсда мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда мамлакатларда инвестицион муҳитни шакллантириш, иқтисодиётнинг жаҳон андозаларига мос келадиган миллий моделини яратиш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш, молиявий ҳисобот гармонизацияси, уларнинг муҳим ва ажралмас объекти ҳисобланган молиявий инструментлар ҳисобининг ҳозирги ҳолати, таснифи, уларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттиришни такомиллаштириш борасидаги илмий изланишлар алоҳида ўринга эга.

Ўзгартириш – бу янги вужудга келган юридик шахсга қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бериш йўли билан корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартиришдир. Ушбу шаклда корхоналар сони кўпаймайди ёки камаймайди, фақатгина корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бошқача бўлади. Мисол учун, акциядорлик жамияти масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади, хусусий корхона масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади ёки масъулияти чекланган жамият хусусий корхонага айлантирилади. Қайта ташкил этишнинг ушбу шаклини кўргазмали тарзда 3-чизмада ифодаланган.

Юқоридаги таъриф ва тавсифлардан кўриниб турибдики, корхоналарни қайта ташкил этишнинг ҳар бир шакли ўзига хос жиҳатларга эга. Уларнинг ҳар бирини амалга ошириш қатор ҳуқуқий, ташкилий, молиявий ва бошқа тартиб-қоидаларга амал қилишни тақозо этади.

Соҳа олимлари томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида молиявий инструментлар ҳисобининг концептуал асослари,

узоқ муддатли ва муддати узайтирилган дебиторлик қарзлари, пул маблағлари ва пул эквивалентлари, солиқ активлари, ҳиссали қатнашиш асосида киритилган инвестицияларни тан олиш ва баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттириш методологиясини такомиллаштириш бўйича маълум ютуқларга эришилган. Аммо дунё даражасида молиявий активлар ҳисобига оид илғор тажрибалар ҳамда бу борадаги халқаро стандартлар тамойиллари ривожланаётган мамлакатларда тўлиқ жорий қилинишига эришилган эмас. Бундан ташқари, молиявий активлар ҳисобига оид молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) мамлакатлар миллий иқтисодиётида қўлланилиши ўзига хос вазифаларни амалга оширишни ва ёндашувларни талаб этади. Молиявий активларни ҳисобга олишда муҳим масалалардан бири уларнинг концептуал асослари масалалари ҳисобланади. Молиявий активларнинг концептуал асослари – бу молиявий ахборотдан фойдаланувчилар талабларини қондириш учун молиявий активларнинг мақсади, вазифалари ҳамда таснифини ўзида мужассамлаштирадиган молиявий активлар таркиби ва элементларини тавсифловчи бўғиндир.

Бухгалтерия ҳисобининг концептуал асосларида бухгалтерия ҳисобининг принциплари масалалари энг муҳим ўринни эгаллайди. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида[3] бухгалтерия ҳисобининг асосий принципларига узлуксизлик, ишончлилик, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги киритилган. Фикримизча, принциплар илмий асосда таснифланиши лозим. Принципларни таснифлаш уларнинг молиявий ахборотларни шакллантиришдаги роли ва аҳамиятини кўрсатиб беради. Бу борада халқаро стандартлар ва қоидаларни ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида[4] ҳам мамлакатимизда молиявий ҳисобни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш вазифаси қўйилган. Миллий ҳисоб тизимимизни халқаро стандартларга ўтказишда даставвал унинг фундаментал қоидаларини, яъни концептуал асосларини ўрганишимиз ва миллий амалиётимизга жорий қилишга эришишимиз лозим. «Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари»[5] халқаро стандартига мувофиқ молиявий ҳисобот принциплари уч

3-чизма

(1) амалда бўлган акциядорлик жамияти *(АЖ)* масъулияти чекланган жамият *(МЧЖ)* ёки хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона *(ХИИК)* ёхуд қўшма корхона *(ҚК)*га ўзгартирилади; (2) амалдаги хусусий корхона (ХК) қарорга кўра ёки *МЧЖ* ёхуд *ХИИК* ёинки *ҚК*га ўзгартирилади; (3) амалдаги *МЧЖ* қарорга кўра *ХИИК* ёки *ҚК* ёхуд *ХК*га ўзгартирилади



Манба: *тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.*

[3] *«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2016 йил 13 апрель, №ЎРҚ-404.*

[4] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори (https://nrm.uz/contentf?doc=573931 _2019_yil).*

[5] *Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари (https://www.pwc.ru/ru/training/assets/dipifr-dec2014-textbook.pdf. страница 0204).*

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРДА «ТАҚҚОСЛАНУВЧАНЛИК, ТЕКШИРУВГА ОИДЛИК, ЎЗ ВАҚТИДАЛИК ВА ТУШУНАРЛИЛИК УЙҒУН ВА ҲАҚҚОНИЙ ТАҚДИМ ЭТИЛАЁТГАН АХБОРОТЛАРНИНГ ФОЙДАЛИЛИГИНИ ОШИРУВЧИ СИФАТ ТАВСИФЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ. АХБОРОТЛАРНИНГ ФОЙДАЛИЛИГИНИ ОШИРУВЧИ СИФАТ ТАВСИФЛАРИ ҚАЙСИДИР ИҚТИСОДИЙ ҲОДИСАЛАРНИ АКС ЭТТИРИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИККИТА УСУЛ БИР ХИЛ ДАРАЖАДА УЙҒУН ВА ҲАҚҚОНИЙ АКС ЭТТИРИШНИ ТАЪМИНЛАГАН ҲОЛЛАРДА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАНДА ҲАМ ЁРДАМ БЕРАДИ» ДЕБ ТАВСИФ БЕРИЛГАН.

гуруҳга ажратилган. Уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Асос бўлувчи принциплар. Бунга «фаолиятнинг узлуксизлиги» принципи киради.

Молиявий ҳисобот шундай йўл қўйилиш асосида тузиладики, бунда компания ўз операцион фаолиятини узлуксиз бўлган даврда, яъни чексиз бўлган даврда давом эттиради. Бунда компания қачон ўз фаолиятини тугатиши тўғрисида эҳтимоллар юзага келмайди. Фаолиятнинг узлуксизлиги йўл қўйилишининг моҳияти шундан иборатки, компания ўз фаолиятини тугатиш ёки кескин даражада қисқартириш каби ҳолатлар назарда тутилмаган ҳолларда давом эттиради. Агарда компания фаолияти тугатиладиган бўлса, у ҳолда молиявий ҳисобот бошқа тамойиллар асосида тузилади.

2. Фундаментал сифат тавсифи принциплари. Буларга қуйидагилар киради:

2.1. Уйғунлик ёки аҳамиятлилик. Молиявий ҳисобот ахборотлари уйғун (аҳамиятли) бўлиши керак. Ахборотлардан фойдаланувчиларга тақдим этилаётган ахборотлар қачонки ўтган, ҳисобот даври ва келгусидаги ҳодисаларни баҳолаш ёки ўтган баҳолашларнинг тўғрилигини тасдиқлаш ҳамда тузатишлар киритиш бўйича бошқарув қарорларининг қабул қилинишида ёрдам бера олган тақдирдагина уйғун бўлади.

2.2. Ҳаққоний ва объектив тақдим этиш. Ҳисоботларда акс эттирилаётган ахборотлар ҳуқуқий шакл учун тўлдириладиган маълумотлар бўлмасдан, балки ҳақиқатда юз берган ҳодиса ва жараёнларнинг асл моҳиятини тавсифлай олган тақдирдагина ҳаққоний ва объектив бўлади. Ахборотлар ҳаққоний бўлиши учун улар тўлиқ, нейтрал ва аниқ бўлиши талаб этилади.

3. Ахборотларнинг фойдалилигини оширадиган сифат тавсифлари. Уларга қуйидагилар кириши кўрсатилган:

3.1. Таққосланувчанлик;

3.2. Текширувга оидлик;

3.3. Ўз вақтидалик;

3.4. Тушунарлилик.





Халқаро стандартларда «Таққосланувчанлик, текширувга оидлик, ўз вақтидалик ва тушунарлилик уйғун ва ҳаққоний тақдим этилаётган ахборотларнинг фойдалилигини оширувчи сифат тавсифлари ҳисобланади. Ахборотларнинг фойдалилигини оширувчи сифат тавсифлари қайсидир иқтисодий ҳодисаларни акс эттиришда қўлланиладиган иккита усул бир хил даражада уйғун ва ҳаққоний акс эттиришни таъминлаган ҳолларда улардан фойдаланиш тавсия этилаётганда ҳам ёрдам беради»[6] деб тавсиф берилган.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни моддалари талаблари асосида ишлаб чиқилган «Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилишнинг концептуал асослари»да молиявий ҳисоботнинг принципларига қуйидагилар киритилган: «Ҳисоблаш; Икки ёқлама ёзув усулида ҳисобни юритиш; Узлуксизлик; Хўжалик операцияларини, активлар ва пассивларни пулда баҳолаш; Ишончлилик; Олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик); Мазмунининг шаклдан узунлиги; Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги; Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги; Ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги; Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси; Тушунарлилик; Аҳамиятлилик; Муҳимлик; Хаққоний ва беғараз тасаввур этиш; Тугалланганлик; Изчиллик; Ўз вақтидалик[7].

Ушбу қатордан кўриниб турибдики, миллий концептуал асосларда бухгалтерия ҳисоби принциплари қаторини келтириш ва уларга тавсиф келтириш билан чекланилган. Улар асосий принциплар, фундаментал сифат тавсифи тамойиллари ҳамда ахборотларнинг фойдалигини оширувчи принципларга ажратилмаган. Бу эса уларнинг ўрнини белгилашда чалкашликларга олиб келади. Масалан, узлуксизлик – бу энг асос бўлувчи принцип, шу боис уни бошқа принциплар билан бир қаторда кўрсатиб бўлмайди. Уни ажратиш керак, унинг роли ва аҳамиятига алоҳида аҳамият қаратиш лозим бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, бухгалтерия ҳисобининг асос бўлувчи принциплари унинг негизини ташкил этади. Ушбу принципларга амал қилмаслик натижасида бошқа принципларнинг қўлланилиши ҳам мумкин бўлмай қолади. Фундаментал сифат тавсифи принциплари молиявий ахборотларнинг сифатини таъминловчи принциплардир. Ушбу принципларнинг қўлланилиши молиявий ҳисоботда акс эттирилаётган ахборотларнинг ишончлилиги ва уйғунлигини таъминлайди.

[6] *URL: https://nrm.uz/contentf?doc=470813_konceptualnye_osnovy_finansovoy_otchetnosti&products=1_vse zakonodatelstvo _uzbekistana.*
[7] *«Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилишнинг концептуал асослари» (http://lex.uz/docs/828557).*